



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

2021 ЙИЛ НОЯБРЬ

ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр

2021 йил ноябрь ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартағи 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Тахрир кенгаши

А.Кўчимов
Қ.Ш.Омонов
А.С.Сагдуллаев
С.С.Ғуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Ш.Т.Қудратхўжа
Н.А.Хусанов

Б.А.Назаров
А.Аскarov
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов
Г.А.Мардонова

**Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИ ТАКОМИЛИДА АҲМАД
ЯССАВИЙ ҲИКМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ**
Ойбарчин Нурбой қизи АБДУЛҲАҚИМОВА

таянч докторант
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон
abdulhakimovaoybarchin@gmail.com

Аннотация

Мақолада Абдулла Орипов адабий-эстетик тафаккури такомилида Аҳмад Яссавий ҳикматларининг ўрни масаласи тадқиқ қилинган. “Девони ҳикмат” ва “Ҳаж дафтари”нинг қиёсий таҳлили асосида миллӣ шеъриятимиздаги анъана ва новаторликнинг тадрижий такомили хусусида назарий хуносалар чиқарилган. Абдулла Ориповнинг шеъриятда салафлар анъаналарини янгилаган буюк истеъодд эгаси далилланган.

Таянч сўзлар: ҳикмат, шеър, адабий-эстетик тафаккур, поэтик такомил, ижодий ғоя, услуб, лирик кечинма, бадиият, поэтик ифода, илмий таҳлил.

**РОЛЬ ХИКМАТОВ АХМАДА ЯССАВИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ
ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ АБДУЛЛЫ АРИПОВА**

Ойбарчин Нурбой қизи АБДУЛҲАҚИМОВА
базовий докторант
Университет узбекского языка и
литературы имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан
abdulhakimovaoybarchin@gmail.com

Аннотация

В статье исследуется роль хикматов Ахмада Яссави в развитии литературно-эстетического познания Абдуллы Арипова. На основе сравнительного анализа «Девони ҳикмат» и «Книги хаджа» были сделаны теоретические выводы о поэтапной эволюции традиции и новаторства национальной поэзии. Раскрывается огромный талант Абдуллы Арипова, который возродил традиции своих предшественников.

Ключевые слова: мудрость, стих, литературно-эстетическое познание, поэтическое совершенство, творческая идея, стиль, лирическое переживание, художественность, поэтическое выражение, научный анализ.

Ижод жараёнининг ўзига хос қонуниятлари бор. Шулардан бири салафлар тажрибаларини ўрганиш, улар асарларидаги ижодий кашфиётларни

янгилари билан бойитищдан иборат. Абдулла Орипов адабий-эстетик тафаккури такомилида мумтоз адабиётнинг ўрни алоҳида. Шоирнинг улуғ мутасаввуф Хожа Аҳмад Яссавийга ихлоси бениҳоя баланд бўлгани маълум. Ижодининг дастлабки кезларига мансуб “Бул ажаб...” ғазали ҳазрат Алишер Навоий “Туркистон мулкининг шайху-л-машойихи” дея таърифлаган ана шу улуғ сиймога бағишлилангани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Маълумки, ушбу ғазал мана бу байт билан бошланади:

*Бул ажаб хор кимсадин имдод сўрайди хорлар,
Сиз бемор қўксига бош қўймангиз, эй bemорлар.*

Улкан фалсафий тафаккурни мужассам этгани матлаъданоқ кўриниб турган бу ғазал Абдулла Ориповнинг мумтоз шеърий жанрларда ҳам маҳорат билан қалам тебрата олишига яққол далил бўла олади. Профессор Нурбой Жабборов фикрича, шоирнинг ушбу “...ғазали мумтоз лириканинг юксак талабларига жавоб бера олади. Оҳорли мазмун, вазн, қофия ва бадиий санъат мукаммаллиги Абдулла Ориповнинг ғазалнавислиқда ҳазрат Навоий санъатхонасидан баҳра ола билган баҳтли ижодкор экани исботидир” [1;123].

Ана шу ғазалнинг асосий моҳиятини ифодалаган шоҳбайтида Хожа Аҳмад Яссавий номи тилга олингани, фақат номи тилга олинибгина қолмай, ул зотнинг пок сийрати васф этилгани замонамиз шоирининг буюк бобокалонига бўлган юксак эҳтироми исботидир. Жумладан, ушбу ғазалда шоир:

*Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар, сиз бу кун
Яссавий хок-пойидин айлаб олинг тумморлар [2;156] –*

деб ёзар экан, бу орқали Хожа Аҳмад Яссавийнинг дунёпарастликдан баланд тира олган, фақат Ҳақ ва ҳақиқат йўлида яшаб ўтган покдоман шахс, улуғ валий бўлганига ишора қилган. “Нафс ила дунёга бил берган фосиқлар”га муносиб танбех берган. “Яссавий хок-пойидин айлаб олинг тумморлар” – чинакам ўзбек руҳиятини акс эттирган бу ибора шоир бадиий нияти ёрқин ва юксак бадиият билан талқин қилинишини таъминлаган.

Абдулла Орипов шеърияти ҳам худди Аҳмад Яссавий асарлари каби ҳикмат ёғдуси билан йўғрилган. “Аҳмад Яссавий ҳикматларининг ғояси, тили ва услуби нихоятда халқона. Айтиш керакки, Яссавий шеърияти маъномоҳиятнан нақадар исломий бўлса, тил жиҳатидан шу даражада миллийликка ҳам эга. У туркий урф-одат билан исломий қадриятларни бир-бирига уйғунлаштириб, мувофиқлаштириб” [8;158]. Аҳмад Яссавий ҳикматларидағи ғоя қанчалик халқона бўлса, Абдулла Орипов шеърлари ҳам шунчалик халқ руҳига яқин. Шоирнинг бутун ижоди она халқининг дардини ўз дарди, қувончини ўз қувончи деб билганидан дарак беради. Ижодкорнинг мана бу эътирофи ҳам буни тасдиқлайди: “Ҳар қандай ижодкор учун халқини куйлашдан, юртининг оғриқлари билан яшашдан муқаддасроқ нарса бўлиши мумкин эмас. Мен шундай тушунаман ижодни. Тўғри, мавзу, масалаларнинг чеки, чегараси йўқ. Лекин шахсан мен учун севинчу дардим – бари Ватанимдир” [3;120]. Шу жиҳатдан, шоир бадиий-эстетик тутумига Аҳмад Яссавийнинг таъсири катта бўлганини таъкидлаш керак.

Аҳмад Яссавий ҳикматларидағи оҳангни, рухни Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” туркум шеърларини ўқигандан янада чуқурроқ ҳис этиш мумкин:

*Ё илоҳим, ҳамдинг бирла ҳикмат айттим,
Зоти улуғ Хожам, сизниб келдим санго,
Тавба қилиб, гуноҳимдин қўрқуб қайттим,
Зоти улуғ Хожам, сизниб келдим санго [7;28].*

Шоир ҳикматларининг Ҳақ таоло ҳамди билан йўғрилганини, гуноҳлари учун тавба қилиб, зоти улуғ Хожасига сифинишини халқона услуб ва оҳанг, тиниқ ифода ва гўзал бадиият уйғуналигига талқин этган. Абдулла Ориповнинг “Қаъбатуллоҳ” шеърида Аҳмад Яссавий ҳикматида ифодаланган мазмун янгиланаётгани, шоир лирик кечинмаси халқ дарди билан уйғунлашиб кетгани кузатилади:

*Ҳануз бири икки бўлмаган элдан
Келдим, најсот излаб, ё Қаъбатуллоҳ.*

Бағри хун, толеи кулмаган элдан

Келдим, најсот излаб, ё Каъбатуллоҳ [4;323].

Аҳмад Яссавий ҳикматида зоти улуг Хожага хос бандасининг ҳамди, муножоти, тавбаси ифодаланган бўлса, Абдулла Ориповнинг “Каъбатуллоҳ” шеърида “ҳануз бири икки бўлмаган”, “бағри хун, толеи кулмаган” ҳалқига најсот излаш руҳи устуворлик қиласи. Бу ҳол Абдулла Орипов буюк салафлари ижод лабораториясини теран ўргангани, бироқ уларни ҳеч бир жиҳатдан такрорламагани исботидир.

Қирқ учумда Ҳақни излаб нола қилдим,

Кўз ёшиимни оқузубон жола қилдим,

Биёбонлар кезиб, ўзум вола қилдим,

Зоти улуғ Ҳожам, сизниб келдим санго [7;28].

Шоир бу мисраларда Ҳақни излаб нола, кўз ёшини жола, биёбонлар кезиб вола қилганини ўқувчи қалби ва руҳини ёритадиган тарзда таъсирчан ифодалайди. Ҳақни излаш, чин дўст қидириб топа олмаслик туйғуси адабиётимизда тадрижий равишда талқин этиб келинади. “Чин дўст излаш туйғусининг поэтик ифодаси шеъриятивизда муайян анъанага эга. Ҳазрат Навоий: “Дўстлук жонондин истармен, манга олам эли Душмани жон бўлса бўлсун, бор эса жонона дўст, деб ёзса, Фурқат: “Оҳким, йўқтур манинг табъимга лойик улфатим”, дея фарёд чекади. Абдулла Орипов билан замондош шоир Эркин Воҳидов бу борадаги қарашларини: “Дўст қидир, дўст топ жаҳонда, дўст қанча бўлса оз, Кўп эрур бисёр душман бўлса гар бир дона ҳам”, тарзида ўзга хос ифодалайди. Абдулла Орипов ҳам дўстдан душман кўплигини кўриб, озор чекади. Ҳақиқий дўстни излайди, биргина содик дўст бўлса ҳам шукrona этиш зарурлигини айтади” [5;14].

Аҳмад Яссавийдан бошланган ана шу Ҳақни, дўстни излаш мотиви Абдулла Орипов шеъриятида ҳам ўзига хос давом этгани кузатилади:

Қай замон одамлар баъд феълин сездим,

Вафоли дўст излаб дунёни кездим.

Топмадим, топмадим, баридан бездим,

Келдим, најсөт излаб, ё Каъбатуллоҳ [4;324].

Аҳмад Яссавий ҳикматлари ҳам, Абдулла Орипов шеърлари ҳам иймон нури билан йўғрилган. Абдулла Орипов ижодий тафаккури такомилида Аҳмад Яссавий ҳикматларининг ўзига хос ўрни борлиги сабаби шунда. Мана бу мисраларда буюк мутасаввиф шоир Пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.)нинг Аллоҳдан умматлари гуноҳини афв этишини сўраб қилган илтижосини баён этиш баробарида ўзининг Расулуллоҳ (с.а.в.)га муҳаббатини ҳам таъсирчан ифодалаган:

*Умматларинг ёзуқларин ҳар жума кеч,
Олиб келгай, ё Мұхаммад, сен муни чеч,
Токи ииғлаб сажда айлай, Тангрига кеч,
Мустафога мотам тутиб кирдим мано [7;31].*

Пайғамбаримизнинг умматлари гуноҳини шафоат этиши билан боғлиқ воқелик талқини Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” туркумида ҳам кузатилади. Шоир шеърларида ҳам Пайғамбаримиз образи Яратгандан умматнинг гуноҳларини сўровчи, гумроҳ йўлдан адашганларга ҳақ йўлни кўрсатувчи меҳрибон сиймо сифатида талқин этилади. Муборак ҳаж ибодати давомида тоза қўнгил изҳори ўлароқ яратилган шеърларида илоҳий ҳикматлар гўзал бадиий шаклда намоён бўлади:

*Ҳазрат, сўранг бизнинг гуноҳимизни,
Бошланг тўғри йўлга гумроҳимизни .

Эгамга етказинг оҳ-воҳимизни,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад [4;324].*

Яссавий таълимотида кишининг охират ҳақида кўп ўйлаши, қайғуриши, дунё зийнатларига алданиб қолмаслиги ғояси илгари сурилган. Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” туркумидаги шеърларида ҳам савобнинг муҳимлиги, гуноҳларга тавба қилиш кераклиги, бу дунё ўткинчилигини англаб, охиратни ўйлаб яхши амаллар қилиш кераклиги ўзига хос тарзда бадиий талқин этилган. “Хожа Аҳмад Яссавий Мұхаммад

пайғамбаримизнинг “Илм эгалланг, илм сахрода дўст, ҳаёт йўлларида йўлдош, баҳтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда – мададкор, одамлар орасида зебу-зийнат, душманларга қарши курашда куролдир” деган ҳадисига амал қилган. Яъни бу билан инсон билимга интилиши, ўқиш ва ўрганиш орқали ушбу ўткинчи дунёнинг ёлғончи ҳузурларидан воз кеча олишлиги ҳамда уни ёмон йўлларга ундовчи нафс қопқонидан ўзини халос қила олишга ўзида куч-куват, ирома тўплай олишлиги таъкидланади” [6;36].

Абдулла Орипов шеърларида Қуръон ва Ҳадисларда олға сурилган ғоялар яққол сезилиб турди. Қуръонда инсонлар бир-бирига яхшилик қилишга, дилозор бўлмасликка даъват этилган. “Қасос” сурасининг 84-оятида: Ким бир яхшилик келтирса, унга ундан кўра хайрлироқ (мукофот) бор. Ким бир ёмонлик келтирса, ёмонлик қилганлар фақат қилганларига яраша жазоланурлар”, дейилган. Бу ғоя асосида Аҳмад Яссавий шундай ёзган:

*Суннат эрмиши, коғир бўлса берма озор,
Кўнгли қаттиғ дил озордан Худо безор [7;22].*

Ҳазрат Навоий ҳаётда иши юришмай, кўнгли ўқсиб турган инсоннинг хотирини шод этиш Каъбанинг вайрон бўлган деворини обод этиш баробаридағи савоб иш эканини қуйидагича талқин қиласиди:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким Каъба вайрон бўлса обод айлагай.*

Ушбу байт мазмунидан унинг антиподи бўлган фикр ҳам ойдин англашилади. Яъни ҳаётдан мамнун бўлиб, кўзлари қувончдан порлаб турган, сурати-ю сийратидан баҳтиёр экани сезилиб турган бир одамнинг кўнглини синдириш Каъбатуллоҳни бузишдан ҳам ортикроқ жиноятдир. Ҳазрат Алишер Навоий бир вақтнинг ўзида бир неча қават мазмун англашиладиган ана шундай теран фалсафий моҳиятни биргина байтда юксак бадиий ифодалай олган. Бу мавзу мумтоз шоирларимизнинг ҳаммасини ҳам кизиқтирган. Жумладан, Машраб ҳам айни шу моҳиятни мурча – чумоли образи воситасида ўзига хос ифода этган:

*Гар қўлингдан келса ҳаргиз мурчани оғритмагил,
Ҳам Худо бандам демас, ҳар кимки дилозоридир.*

Дарҳақиқат, халқимизда “Чумолидек беозор” деган чуқур мазмун акс этган нақл бор. Яна бир мақолда: “Дилозордан Худо безор”, дейилади. Машраб ана шу икки нақлни ирсоли масал орқали чуқур бадиий талқин этган. Мумтоз адабиётимизни, буюк салафлари ижодини мукаммал билган, бунинг билангина чекланмай, олган сабоқларини асарларида санъаткорона қайта ишлаган Абдулла Орипов ана шу байтларга ҳамоҳанг тарзда мана бундай ёзади:

*Жаннатга ҳеч қачон тикма кўзингни,
Агар бир мўминга етказсанг озор.
Боболар демишлар, ҳатто пашшага.
Бу ёргуғ оламда бермагил озор.*

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, шоирнинг “Ҳаж дафтари” туркумидаги шеърлари Куръони карим ғоялари таъсирида ёзилган. Масалан, “Исо” сурасининг 70-оятида: “Батаҳқиқ, биз Бани одамни азиз-у мукаррам қилиб қўйдик”, дейилган. Шоир шеърларида шундай байт ўқиймиз:

*Дунёга келганда инсон мукаррам,
Қавмлар шодликданчуввос солдилар.*

Бу мисоллар шоир шеъриятида Аҳмад Яссавий ҳикматлари сингари Куръони карим ва Ҳадиси шарифлар моҳиятига мувофиқ сатрлар кўп экани исботидир. Бу эса, ўз навбатида, адабиётнинг, шеъриятнинг асосий хусусиятлари асрлар ўтса ҳам сақланиб қолишидан далолат беради.

Абдулла Ориповнинг Хожа Аҳмад Яссавийга ихлоси нечоғлиқ баланд бўлгани “Соҳибқирон” драмасида бу улуғ зот образини ҳам меҳр билан тасвирилаганида кўринади. Драманинг якуний бешинчи сахнасида Чин сафарига отланган Амир Темур Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасида тунайди. Дарвеш қиёфасидаги ҳазрати Хизр билан мулоқот қиласи. Соҳибқирон “Бобомизнинг пойларида бедор ўлтириб, Руҳларига ором сўраб тиловат қилдим”, дея пири Туркистонга бўлган юксак

эҳтиромини изхор этади. Тонгга яқин кўзи илинган Соҳибқирон улуғ пирини туш кўради. Тушида Хожа Аҳмад Яссавий унга илтифот қилмайди. Ҳазрати Хизр Туркистонда сўнгти юз йилда бундай совуқ бўлмаганини айтиб, сафар қилмоқни тавсия этмайди. Иккаласи хайрлашар экан, Соҳибқирон суҳбатдошининг бош бармоғи суюксиз эканидан Ҳазрати Хизр билан мулоқот қилганини сезиб қолади. Соҳибқирон ундан ҳазрат Яссавийни қўрсатишини илтижо қиласди. Улуғ пир ва Соҳибқирон ўртасидаги мулоқот теран ҳаёт фалсафасининг бадиий талқини даражасида экани жиҳатидан аҳамиятлидир.

Соҳибқирон: “Сиз ер ости, мен устида лашкар тузубмиз” – деса, ҳазрат Яссавий: “Сен тиг билан билан, мен сўз билан бошқардик уни, Бироқ сенинг йўргугингни ёқлай олмайман. Воз кеч, Темур, бу хатарли Чин сафаридан, Ёш бир жойга бориб қолгач, узлат афзалдир, У дунёнинг сафарига тадорик лозим”, дея Соҳибқирон қисматига ишора қиласди. Абдулла Орипов ана шу ўринда Хожа Аҳмад Яссавийнинг мана бу ҳикматини келтиради:

*Бу дунёда югрук отга мингучилар,
Ҳарб кунида муборизлик қилгучилар,
Олмос-пўлад қилич-қурни чопгучилар
Ажал келса бегу хонни қўймас эрмиш.*

Абдулла Ориповнинг маҳорати шундаки, бу икки улуғ зот қалбининг ҳам, тафаккурининг ҳам умумбашарий гоялар ёғдуси билан нурафшон эканини ҳазрати Хизр – Амир Темур, Хожа Аҳмад Яссавий – Амир Темур мулоқотлари воситасида санъаткорона талқин этади. Ўқувчи руҳиятини драматик достон хотимасига – Соҳибқирон вафотига босқичма-босқич тайёрлайди. Аҳмад Яссавий образи асар сюжетига фалсафий якун арафасида кириб келади. “Бошинг тошдан бўлсин, Амир” – дер экан, қўйидаги ҳикматни айтади:

*Кул Хожса Аҳмад сўзлагани Ҳақнинг ёди,
Эшишмаган дўстларига қолсун панди.
Гурбатланиб ўз шаҳрига қайтиб ёнди,*

Туркистонда мозор бўлиб қолдим мано.

Умуман, асарнинг Хожа Аҳмад Яссавий билан боғлик саҳнаси, биринчидан, Абдулла Ориповнинг бу улуғ зот ҳикматларини нечоғлик теран ўрганганини англатса, иккинчидан, достонда ҳикматлардан шунчалик ўринли ва маҳорат билан фойдаланадики, натижада пири Туркистон образи нурланиб кетган. Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк тарихий шахс ва ислом байроғини юксакка кўтарган хукмдор сифатидаги миссияси ана шу образ воситасида тўлақонли бадиий талқин этилган.

Хулоса қилиб айтган, Абдулла Орипов адабий-эстетик тафаккури такомилида мумтоз шоирлар ижодий ютуқлари, хусусан, Аҳмад Яссавий ҳикматлари алоҳида ўрин тутади. Шоир ижодий анъаналарни пухта ўрганиш, муносиб давом эттириш баробарида уларни янги поэтик босқичга кўтарган. Бу эса, Абдулла Орипов шеъриятининг халафлари – кейинги авлод ижодкорлар учун ўзига хос мактаб бўла олиши исботидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жабборов Н. Замон, мезон, шеърият. – Тошкент: Fafur Fулом, 2015. – 303 б.
2. Орипов А. Танланган асарлар. Биринчи жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – 428 б.
3. Орипов А. Адолат кўзгуси. – Тошкент: Адолат, 2003. – 399 б.
4. Орипов А. Танланган асарлар. – Тошкент: Sharq, 2019. – 783 б.
5. Усарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий рух ифодаси: филол.фан.бўйича (PhD) фал.докт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2020. – 62 б.
6. Хажиева М. Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-тарбиявий қараашлари: Пед. фан..номз... дисс. – Тошкент: 2004. – 141 б.
7. Яссавий А. Девони ҳикмат. – Тошкент, 1992. – 207 б.
8. Ҳасанов Н. Яссавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат”: Филол. фан. Докт. Дисс. – 2017. – 272 б.

МУНДАРИЖА

Иқтисод

З.Т.ГАЙБНАЗАРОВА. Развитие отечественного автомобилестроения: настоящее и будущее-----	3
А.А.АБДИРАШИДОВ. Атроф-муҳитни асрарда пластик пакетларга истеъмолчилар талабини қисқартиришнинг иқтисодий дастаклари-----	16
М.Ш.ХОЖИБОЕВ. Фермер хўжаликларида асосий воситалар ҳолати ва улардан фойдаланиш таҳлилини такомиллаштириш-----	25
Қ.О.ЎРИШЕВ. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарида қўшилган капитал ҳисобини такомиллаштириш-----	33
Б.Т.ЮЛДАШЕВ. Тадбиркорлик субъектларида ички аудитни ташкил этиш ва такомиллаштириш муаммолари-----	45
Н.Ш.БАТИРОВА. Промышленность Ташкентской области и модель её развития в условиях формирования инновационной экономики-----	53
А.Х.КОМИЛОВ. Тайминотнинг логистик харажатлари ҳисобини ташкил қилишнинг назарий жиҳатлари-----	69
Д.Н.ХУСАНОВ. Мамлакат инвестицион фаоллик ривожланишининг илмий-назарий жиҳатлари: амалдаги ҳолати ва таҳлили-----	82
З.М.ИСАҚОВА. Сунъий интеллект ва бошқарув: лойиҳаларни самарали бошқаришга янгича ёндашув-----	96

Юридик

Н.П.АЗИЗОВ, З.Р.УМАРОВ. Давлат мустақиллигининг тимсоли: тарих ва тараққиёт-----	105
С.Д.ХОДЖАЕВ. Германия ижтимоий ҳимоя тизими ва кексаларни қўллаб қувватлаш механизmlари-----	114
И.Х.АТАМИРЗАЕВ. Шахс хуқуқий ижтимоийлашувининг босқичлари, таснифи ва функциялари-----	124

Филология

И.И.СУЛАЙМОНОВ. “Бобурнома”да Шайбонийхон тасвири-----	134
Б.РАҲМОНОВ. Ўзбек постфольклорининг бадий ҳаваскорлар ижросидаги кўринишлари-----	145
Б.РАҲМОНОВ. Ўзбек халқ оғзаки ижоди анъанавий жанрларининг постфольклор шароитидаги ҳолатига умумий назар-----	154
А.ДЕҲҚОНОВ. Алишер Навоийнинг Хусрав Парвез образини тасвирлашдаги бадий маҳорати-----	163
А.Р.ДАВЛАТОВА. Ижодкор фалсафий тафаккури ва бадиият уйғунлиги-----	173
Н.Т.ЙЎЛДОШЕВ. Чўлпон шеъриятида сарбаст-----	180
Ф.ОЛИМОВ. Навоий асарларида замондошлари тимсоли-----	190
И.Х.ИСЛОМОВ. Жаҳон корпусларида географик терминларнинг берилиши муаммосига доир-----	197
Г.НАСРУЛЛАЕВА. Антроморфемик метафоралар лугатини яратиш тамойиллари-----	207
Г.ХУДОЁРОВА. Абдулла Орипов ижодида ранг ва оҳанг синтезининг инсон образи воситасида ифодаланиши-----	213
О.Н.АБДУЛҲАКИМОВА. Абдулла Орипов ижодий тафаккури такомилида Аҳмад Яссавий ҳикматларининг ўрни-----	221

Б.Б.ФАРМОНОВ. Рельефонимларнинг инглиз тили изоҳли лугатларида кўлланишлари ва уларнинг маънолари-----	230
У.Б.РАҲМОНОВ. Жаҳон тилшунослигида эмоционал лексиканинг лексикографик талқини-----	238
Д.РУСТАМОВ. Жадид маърифатпарварлари асарларида тил таълими масаласи-----	247
М.А.ҲОШИМОВА. Муҳаммад Алихоннинг ҳаёти ва ижодига доир илмий асарлар ва мақолалар таснифи-----	258
Д.БОЙМАХМАТОВА. Она тили фанидан ташкил этиладиган интерактив тўгаракларнинг ёндашув ва тамойиллари-----	268

Фалсафа

Ф.Д.МУЗАФФАРОВ. Газзолий билиш назариясида мантиқ илмининг ўрни-----	276
Ж.А.ЖАББОРОВ. Маънавий эҳтиёжларини юксалтириш – учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг муҳим омили-----	287

Тарих

Ҳ.Э.ХОЛМЎМИНОВ. Ўзбекистон жанубий воҳалари аҳолисининг ижтимоий тумуш тарзидаги муаммолар (1925-1941й.)-----	299
А.Ғ.МУҲАММАДИЕВ. Тош хом-ашёси манбаларидан фойдаланиш стратегияси-----	306
Л.А.ТЎРАЕВ. Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асаридаги инсоний фазилатларга оид иқтибослар талқини-----	313
Ш.Ш.ЭРГАШЕВ. Интеллектуал мулк обьектларини ҳимоялаш тизими ва илмий-техник салоҳиятни такомиллаштириш жараёнлари-----	323
Ш.Ш.ЭРГАШЕВ. Ўзбекистонда илмий ва инновацион фаoliyatни идоравий бошқарувининг дастлабки босқичлари-----	332

Техника

Э.Т.ФАРМОНОВ, Ф.Э.ФАРМОНОВА. Саксовул ва черкез уруғларининг сеялка бункери қия девори текислиги бўйича ҳаракатини тадқиқ этиш-----	341
Э.Т.ФАРМОНОВ. Саксовул ва черкез уруғларини экадиган сеялка бункерининг конструкциясини тадқиқ этиш ва танлаш-----	349
Ш.Ҳ.ҒАППАРОВ, Ф.У.ҚАРШИЕВ. Кичик хўжаликлар учун мўлжалланган прессланган дағал озуқаларни майдалаш қурilmасини тадқиқ этиш-----	358
Ж.С.ЖАББАРОВ. Фрактал графика ва фрактал обьектларнинг ўлчовларини ҳисоблаш-----	366
МУНДАРИЖА -----	378

Масъул мухаррир:
Г.А.Мардонова

Таржимон:
З.Т.Бобоева

Техник мутахассис:
А.Назаркулов

Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгардир.

Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими
(электрон журнал)
2021 йил, ноябрь сони**

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй